САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 5-бет

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 194 (9.997) / 2003 ЙИЛ 3 ОКТЯБРЬ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКА ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 августдаги Ф-1832-сон Фармойишига мувофиқ тузилган махсус гуруҳ томонидан «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланган. Газ таъминоти тизимида бозор муносабатлари жуда секинлик билан жорий этилмоқда, қатъий тўлов интизоми мавжуд эмас. Табиий газнинг исроф бўлишига ва ўғирланишига йўл қўйилмоқда, газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишнинг кўпдан-кўп ҳоллари мавжуд.

Ҳисоб-китоб-тўлов интизомига риоя этилмаслиги, сотилган табиий газ учун ўз вақтида ҳақ тўланиши устидан назоратнинг сустлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори юқорилигича қолмоқда. Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари қолоқлик билан олиб борилмоқда.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан назорат ўрнатилмаганлиги туфайли «Бошкоммунгаз» корхонасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида ўзбошимчалик билан ортиқча бўғин — «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси ва «Техгаз» ҳудудий шўъба бошқармалари ташкил этилган, уларга газ тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш функциялари берилган. Бу бошқарув ходимлари сонининг асоссиз кўпайиб кетишига олиб келди.

Табиий газ сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, ҳисоб-китоб-тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. «Бошкоммунгаз» корхонаси ва унинг «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси тугатилсин.

2. «Бошкоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» ҳудудий шўъба корхоналари, «Техгаз» шўъба бошқармалари ва уларнинг тегишли туман ва шаҳар филиаллари юридик шахс ҳуқуқига ҳамда туман (шаҳар) филиалларига эга бўлган Ҳудудий газ таъминоти корхоналарига («Қорақалпоқгаз», «Андижонгаз», «Бухорогаз», «Жиззахгаз», «Қашқадарёгаз», «Навоийгаз», «Наманганғаз», «Самарқандгаз», «Сурхондарёгаз», «Сирдарёгаз», «Тошкентвилоятгаз», «Фарғонагаз», «Хоразмгаз» ва «Тошкентшаҳаргаз») айлантирилсин (кейинги ўринларда ҳудудий газ таъминоти корхоналари деб аталади).

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган ҳудудий газ таъминоти корхоналари «Ўзкоммунхизмат» агентлигига ҳисобот беради.

Газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш натижасида бошқарув ходимлари сони 864 нафарга қисқариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар ташкил этилаётган ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

газ тармоқлари ва ускуналаридан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш;

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан табиий газ етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш, истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, сотилаётган газ ҳажмларининг қатъий ҳисобини олиб бориш;

газ тармоқларини жорий таъмирлаш, шунингдек тасдиқланган аниқ рўйхатларга мувофиқ уларни мукаммал таъмирлаш;

сотилган табиий газ учун ўз вақтида олдиндан ҳақ тўлаш ҳамда маблағлар йиғиб олиш ишларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда объектларни газ қувурлари тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш ва улаш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ истеъмолчиларга газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш;

газ тармоқлари ва ускуналаридан хавф-хатарсиз фойдаланиш қоидалари норматив талабларига риоя этиш;

Давоми 2-бетда.



«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда ишлаб чиқарилаётган кичик тракторлар деҳқон ва фермерларнинг мўл ҳосил етиштиришларида қулайлик яратмоқда.

СУРАТДА: созловчи-йиғувчи Аҳмаджон Саидаҳмедов жамоа ютуғига ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Акмал Икромов туман ҳокимлигида тумандаги мактаблар «Камолот» сардорларига кўкрак нишонлари топширилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Шукур Бурҳонов номли маҳаллада бўлиб ўтган давра суҳбати «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш», «Соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари» мавзуларига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида жойлашган «Машинасозлар» маҳалласида ташкиллаштирилган тадбирда мамлакатимизга сифатсиз ва контрабанда йўли билан товарлар олиб келинишига қарши кураш бўйича қўйилган вазифаларни давлат божхона қўмитаси томонидан ижтимоий соҳа ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бажарилиши юзасидан режалаштирилган тадбирлар дастурининг ижроси муҳокама қилинди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**• КЎРГАЗМАЛАР**

## «BIENNALE-2003»ДА САРА САНЪАТ АСАРЛАРИ

**КЕЧА шахримиздаги Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида «Биеннале-2003» II халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика телерадиокомпанияси ташаббуси билан Обод маҳалла йилига бағишланиб ташкил этилган мазкур йирик халқаро бадиий кўргазмада АҚШ, Франция, Польша, Италия, Дания, Миср, Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Хитой, Туркия, Россия, Қозоғистон каби Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларининг йигирмадан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган мўйқалам усталарининг энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Тошкентда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитишни янада такомиллаштириш, бу жараёнда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

● **Кеча Тошкент Ислом университетида давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини дин соҳаси билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи семинар доирасида республика оммавий ахборот воситаларида диний-маърифий мавзуни ёритиш масалаларига бағишланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди.**

● **Тошкентдаги «Илҳом» ёшлар театрида АҚШ «PHOENIX» торли квартети мусиқачиларининг юртимизда ўтган ижодий сафари ниҳоясига етди.**

● **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги ўқув зали — қироатхона очилди.**

● **Қорақалпоғистондаги 10 та мактаб «Ўзбекистон мактабларига компьютерлар» дастурида иштирок этмоқда. Махсус танловда ғолиб чиққан ушбу мактабларга 10 тадан компьютер ва принтер ўрнатилди, бундан ташқари виртуал кутубхонанинг ўқув адабиётлари CD дискларда тақдим этилди.**

● **«Ўзтемирйўлмаш» бирлашмасининг филиали — Андижон механика заводи жамоаси вагонлар учун қозонлар ишлаб чиқариш цехини ташкил этди.**

### Жаҳонда

● **Кеча Стокгольмда Швеция академиясининг вакиллари адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотининг 2003 йил соҳибини аниқлашди. 6, 7, 8 октябрь кунлари эса физиология ва тиббиёт, физика, химия ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича Нобель соҳибларининг номлари аниқланади.**

● **Яман пойтахти Ал-Сано шаҳрида АҚШ, Германия ва Буюк Британия давлатлари элчихоналарини портлатишга бўлган ҳаракат маҳаллий полиция томонидан бартараф этилди.**

● **Россия Федерациясининг Олтой Республикасида яна тўртта зилзилалар содир бўлди. Ер қимирлашлари натижасида республикада 1889 та турар жойлар, 25 та мактаб, 16 та касалхона, 12 та ижтимоий-маиший иншоотлар шикастланди.**

● **Индонезия Олий Суди Бали оролидаги террорчилик ҳаракатини содир этишда айбланаётган Али Гуфронни олий жазога ҳукм этди.**

**• КЎРГАЗМАЛАР**

## «BIENNALE-2003»ДА САРА САНЪАТ АСАРЛАРИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Кўргазмага қўйилган графика, ҳайкалтарошлик, рангтасвир, видеарт, пенформанс жанрларидаги турли мамлакатлар машҳур санъат усталарининг ранг-баранг асарларини томоша қилар экансиз, санъатнинг сехрли оламининг имкониятлари нақадар кенг эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Шуни таъкидлаш жоизки, кўргазмадан юртимизнинг Илҳом Ибрагимов, Бобур Исмоилов, Жоллибой Изентаев, Ғофур Қодиров, Хуршид Зияхонов каби кўплаб таниқли рассомларининг ҳам асарлари ўрин олган бўлиб уларда замонавий Ўзбекистон маданияти кенг ва ўзига хос тарзда ўз аксини топган.

Халқаро кўргазма иштирокчилари учун қизиқарли илмий ва маданий дастур ҳам тайёрланган. Хусусан, бугун Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида «Замонавий бадиий жараён—долзарб муаммолар ва йўналишлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. Бундан ташқари «Биеннале—2003» халқаро кўргазмаси қатнашчилари Ўзбекистон манзарали — амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Илҳом» театрининг кўргазмалар зали, Ўзбекистон Давлат санъат музейи каби маданият масканларига ташриф буюришади, юртимиз рассомлари устахоналарида ўтказиладиган ижодий учрашувларда қатнашишади, Самарқанд шаҳрининг бетакрор меъморий обидалари билан танишишади.

Кўргазма якунига кўра турли мамлакатларнинг тажрибали мутахассисларидан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати ҳар хил йўналишлар бўйича «Гран-при» ва бошқа мукофотларни топширишади. Шунингдек, бир қатор компаниялар ва арт-галерея ҳам кўргазма иштирокчилари учун ўз совғаларини тайёрлаган.

Ўйлаймизки, 7 октябрга қадар давом этадиган нуфузли халқаро бадиий кўргазма XXI аср Шарқ ва Ғарб санъати уйғунлигидаги ғояларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, худуддаги бадиий алоқаларнинг юксалиши ва рассомларнинг янгича интеграцион ҳамда инновацион лойиҳаларини намойиш этишда муҳим воқеа бўлиб қолади.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКА ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

4. Етказиб берилаётган табиий газ учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш ва ўз вақтида ҳақ тўланиши учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ҳудудий газ таъминоти корхоналари аппарати тузилмасида сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш туманлараро инспекциялари ташкил этилсин.

Қуйидагилар ташкил этилаётган инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сотилган табиий газ учун аҳолидан ва истеъмолчиларнинг бошқа тоифаларидан маблағ тўпланишининг тўлиқлиги таъминланишини назорат қилиш;

амалдаги газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олиш ҳолларини аниқлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

ҳақини тўламаган ва рухсатсиз уланиб олган истеъмолчиларни газ тармоқларидан узиб қўйиш тўғрисида туман (шаҳар) газ таъминоти ташкилотларига ёзма кўрсатмалар бериш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу ёзма кўрсатмаларни бажармаганлиги учун айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши керак.

5. Қуйидагилар:

ҳудудий газ таъминоти корхоналари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси, минтақаларнинг тоифаларидан келиб чиққан ҳолда улар ходимларининг умумий чекланган сони;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари туман ва шаҳар филиаллари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси;

Ҳудудий газ таъминоти корхонаси тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқлансин.

6. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги марказий аппарати тузилмасида:

ходимлари сони 11 нафар бўлган Аҳоли ва корхоналарни газ билан таъминлаш бош бошқармаси;

ходимлари сони 9 нафар бўлган газ таъминоти бўйича назорат- тафтиш бошқармаси ташкил этилсин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг марказий аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

7. Қуйидагилар:

ҳудудий газ таъминоти корхоналари таркибида ташкил этиладиган инспекциялар фаолиятини;

сотилган газ учун аҳолидан ва улгуржи истеъмолчилардан маблағлар тўлиқ йиғилишини;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини;

газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишга йўл қўйилмаслигини доимий назорат қилишни таъминлаш газ таъминоти бўйича назорат-тафтиш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

2003 йил 1 ноябрдан бошлаб, аҳолидан ташқари, истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан етказиб бериладиган табиий газ учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг 15 фоизи ҳақини мажбурий равишда олдиндан тўлаш жорий этилади;

истеъмол қилишнинг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунгача ҳақни олдиндан тўламаган ёки якуний ҳисоб-китобни шартномаларда белгиланган муддатларда ўз вақтида амалга оширмаган улгуржи табиий газ истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш тўхтатилади;

2004 йил 1 январдан бошлаб кичик ва хусусий бизнес корхоналарига табиий газ етказиб бериш истеъмол қилиш лимити белгиланмасдан, тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

9. Белгилансинки:

ташкил этилаётган ҳудудий газ таъминоти корхоналари, шунингдек уларнинг филиаллари ва инспекциялар тугатилаётган тегишли тузилмаларнинг тузилган шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади ҳамда хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ҳисобига маблағ билан таъминланади;

тугатилаётган «Бошкоммунгаз» корхонасининг асосий воситалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги балансига текин берилади ва даромад (фойда) солиғи солиш объекти ҳисобланмайди.

10. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган корхоналарнинг белгиланган тартибда тугатилишини ва қайта ташкил этилишини, шунингдек уларнинг мажбуриятлари ва талаблари масалалари ҳал қилинишини бир ой муддатда таъминласинлар;

сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш бўйича янги ташкил этилаётган инспекцияларни танлов асосида малакали мутахассислар билан тўлдирсинлар, шунингдек уларнинг мажбурий ёзма кўрсатмалари қуйи тузилмалар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш бўйича янги ташкил этилган инспекцияларнинг сотилган табиий газ ҳажмларига мувофиқ маблағларни йиғишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминласинлар;

Табиий газ истеъмолчиларига ҳамда газ тармоқларини ривожлантириш ва суюлтирилган газ билан таъминлаш юзасидан фойдаланиш корхоналарига хизматлар кўрсатувчи тузилмаларни босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2005 йилгача бўлган даврда газ ҳисоблагичлар учун бир марта фойдаланиладиган пломбаларни олиб келиш, шу ернинг ўзида тайёрлаш ва ҳамма жойда, биринчи навбатда Тошкент шаҳрида ўрнатиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

12. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги:

2004-2005 йилларда ҳамма жойда туман (шаҳар) газ хўжаликларининг бўлиниш чегараларида, шунингдек шаҳарларнинг турар жой мавзеларидаги газ тармоқларининг кириш жойларида газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатсин, уларни техник хизмат кўрсатиш шартлари бўйича улгуржи истеъмолчилар газ тармоқларининг кириш жойларидаги газ ҳисоблагичларга тенглаштирсин.

2004 йил 1 январгача газ қувурлари ва истеъмолчиларни тўлиқ хатловдан ўтказсин, унинг натижалари бўйича газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг олди олинишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда газ тармоқларини тиклаш ва таъмирлашнинг аниқ дастурини ишлаб чиқсин.

13. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси:

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда Ҳудудий газ таъминоти корхоналари балансидаги газ узатиш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини текшириш ва уларни таъмирлаш тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, мазкур ишларни амалга ошириш учун махсус корхона ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўздавнефтгазинспекция» билан биргаликда 2003 йил 1 декабргача бўлган муддатда Табиий газни узатиш ва тақсимлашда технологик исрофгарчиликларни ҳисоблаб чиқиш методикасини, шунингдек пломбани бузганлик ва газни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартирганлик ҳамда табиий газдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа бузилишлар учун истеъмолчиларга ва газ таъминоти корхоналари ходимларига нисбатан жавобгарликни белгилаш ва кучайтириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли учун табиий газга тарифлардаги фарқларни босқичма-босқич, изчил қисқартириб боришни назарда тутсин.

15. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда «Бошкоммунгаз» корхонасига Ҳукумат қарорларига мувофиқ берилган хорижий кредитлар ва Молия вазирлигининг кредитлари юзасидан унинг қарз мажбуриятлари бўйича кредит ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда Ҳукумат кафолатига тегишли қўшимчалар берсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция» инспекцияси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорига 4 ва 5-иловаларга мувофиқ табиий газ учун ҳақ тўлашнинг имтиёзли шартлари белгиланган табиий газ истеъмолчилари рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 октябрь

## Сўранг, жавоб берамиз

**Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши тўғрисида маълумот берсангиз.**

**Р.Иноғомов, шифокор.**

Эр ва хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу харажат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томондан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирилган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

***

**Туғилишни қайд этиш тартиби ва муддатлари ҳақида билмоқчи эдик.**

**Н.Хуррамова, Б.Турсунова. уй бекалари.**

Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Боланинг ўлик туғилганлиги тиббий муассасанинг хабарига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади.

***

**Менинг қон босимим тез-тез ўзгариб, баланд-паст бўлаверади. Халқ табобатида қўлланадиган муолажалар ҳақида маслаҳат берсангиз.**

**С.Маҳсумова, пенсионер.**

Қон босими учун муолажалар жуда кўп. Шулардан бирини тавсия қилмоқчимиз. Бу малҳам қуйидагича тайёрланади: ўртача катталикдаги 2 та лимон ва 2 та апельсин бўлакларга бўлинади, уруғлари олиб ташланиб, гўшт майдалагичдан ўтказилади. Бу аралашмага 2 ош қошиқ асал қўшилади ва шиша идишга солиниб хона ҳароратида 1 сутка сақланади. Шундан сўнг дори тайёр бўлади. Уни 2-3 чой қошиқда овқатдан олдин чой билан ичилади. Шундай қилинганида қон босими меъёрга тушишидан ташқари қон томирларнинг йўли ҳам тозаланади. Уни ҳамиша ичиб туриш одатга айланса фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОСАКА МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлашда икки мамлакатнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиши катта аҳамият касб этади. Бунда айниқса Япониянинг турли префектура ва шаҳарлари билан Ўзбекистондаги вилоятлар ва шаҳарлар ўртасида бевосита алоқалар муҳим ўрин эгаллайди. Осака шаҳар мэри жаноб Такафуми Исомура ва мамлакатимизнинг Япониядаги элчиси Мирсобит Очилов ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам айни шу масалага қаратилди.**

Маълумки, Осака шаҳри Япониянинг энг йирик иқтисодий ва саноат маркази ҳисобланади. У ўз мавқеи ва аҳамияти билан пойтахт Токиодан кейин иккинчи ўринда туради. 2,5 миллионли Осака мэрияси Санкт-Петербург, Милан, Гамбург, Шанхай ва Сан-Франциско каби жаҳоннинг қатор шаҳарлари билан биродарлик алоқаларини ўрнатган.

Тошкент ва Осака шаҳарлари ўртасида 2001 йилнинг апрел ойидан бошлаб мунтазам ҳаво қатновлари йўлга қўйилган. Айни пайтда ушбу қатновлар ҳафтасига уч марта амалга оширилади ва нафақат Осака ёки Кансай ҳудудини, балки бутун Японияни Ўзбекистон билан боғлаб туради.

Осака шаҳар мэриясида ўтган суҳбат чоғида мавжуд иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ва ўзаро делегациялар алмашинуви, яқин келажакда кенг маҳаллий жамоатчилик иштирокида Осакада Ўзбекистон миллий байрамларини ташкил этиш билан боғлиқ таклифлар илгари сурилди.

— Мен Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий ва бетакрор шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман,— деди Осака шаҳар мэри жаноб Такафуми Исомура. — Кўҳна маданиятга эга бўлган Осака шаҳри аҳолисининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда, мен эса серқуёш юртингизга бўлган илиқ муносабатларимиз янада мустаҳкамланаётганидан бениҳоя мамнунман.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон ва Осака шаҳри ўртасида мустаҳкамланиб бораётган кўп қиррали муносабатлар тимсоли сифатида Осака шаҳар мэри жаноб Т.Исомура Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М.Очиловга дўстлик медали ва «Осака шаҳрининг калити» рамзини тақдим этди. Ўз навбатида Осака шаҳар мэрига Ўзбекистон ҳақидаги китоблар, ўзбек тўни ва дўпписи ҳамда бошқа эсдалик совғалари топширилди.

**Б.АЛИМОВ**
**«Жаҳон» АА,**
**Осака шаҳри, Япония**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### МЕЗБОН ХИЖОЛАТ БЎЛДИ

Хиёбон нима учун бунёд этилади? Баракалла. Одамларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун. Лекин не машаққат ва яхши ниятлар билан яратилган бу маскан ўз номига ярашмай қолган, яъни тартибсиз ҳолатга келган бўлса-чи? Кўриб туриб кўнглинг ғашланади.

Тунов куни Фарғонадан келган меҳмон Абдуғани биродарим деярли шаҳримизнинг марказида жойлашган «Мовий гумбаз» ошхонаси ҳақида сўз юритиб:

— Тошкентга ҳар гал келганимда пайт топиб, шу ошхонага келиб, ошпазлар томонидан тайёрланган қовурма лағмондан еб кетардим. Шу ернинг қовурма лағмони ҳеч қаерникига ўхшамайди-да. Анчадан бери шу ошхонада бўлмадим. Агар имконият бўлса, бугун тушликни ўша ерда қилсак, — деб қолди.

Меҳмон атои худо. Розилик бердим. Икки улфат «Мовий гумбаз» қайдасан, деб йўлга чиқдик. Ошхонага кириб, биз истаган тансиқ таомга буюртма бердик. Ҳақиқатан ҳам у мақтовга арзигулик экан, мазаси оғзимизда қолди. Устидан чойхўрлик қилиб анча гурунглашиб ўтирдик. Кейин шу ошхона рўпарасидаги каттагина хиёбонни сайр қилгани чиқдик. Хиёбоннинг файзи кетиб, анча қаровсиз бўлиб қолганини бир қарашдаёқ ҳис этдик. Хиёбоннинг қоқ ўртасидан ўтган узун йўлка бўйлаб борарканмиз, кўзимиз шундоққина йўл чеккасида тўпланиб қолган ахлат уюмларига тушди. Ҳордиқ чиқарувчилар учун қулайлик бўлсин деб қўйилган ўриндиқларни чанг босиб ётибди. Йўл чеккасидаги ариқлар тамоман ахлат чиқиндиларига тўлиб-тошган.

Хиёбон ўртасида юрган бир фаррош аёл катта супургини қўлига тутганича орқа-олдига қарамай чангитиб йўлкани супурар, ўтган-кетганлар билан мутлақо иши йўқ эди. Буни кўриб меҳмон сўз қотди.

— Одатда фаррошлар супуриб-сидириш ишларини эрталаб бажаришарди, шекилли.

— Ҳозир ҳам шундай. Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди, деган гап ҳам бор-ку.

Бу сўзимга меҳмон бош ирғиб кулиб қўйди ва деди:

— Ишқилиб, нима бўлганда ҳам шундай чиройли хиёбоннинг қаровсиз қолгани яхши бўлмапти. Ҳар гал шу ерда бўлганимда хиёбоннинг ҳамиша шу атрофга кўрк бағишлаб турганини кўриб завқланардим.

Меҳмоннинг бу гапидан мулзам тортдим.

### ФАРЗАНДСАН, БУРЧИНГНИ ОҚЛА

«Отага тик боқма, иймонинг сақла», деб бошланувчи қўшиқни тинглаганимда автобусда рўй берган бир воқеа хаёлимга келаверади.

— Болам, қаерга келдик? — сўрайди кўзи ожиз ота ўғлидан.

Ўғил ёнидаги хушрўй аёл билан суҳбатлашишдан бўшамайди.

— Сендан сўраяпман, — такрорлайди ота.

— Кўзингиз кўрмагандан кейин, суриштириб нима қиласиз, жим ўтиравермайсизми-чи, тушадиган жойимизни ўзим айтаман.

Ўғилнинг бу тумтароқ гапидан ота ютиниб қўйди. Индамади.

— Ҳозирги қарияларга ҳайронсан, — сайрай кетди ўғил жилмайиб, ёнидаги турган аёлга. — Уйда тинч ўтиришолмайди, бизни пахан ҳам шунақалардан. Эрта тонгдан бошлаб опангникига олиб бориб қўясан, дея хархаша қилдилар. Нима эмиш, ёмон туш кўрганмишлар. «Керак бўса опамнинг ўзи келиб кўради, сизни», десам: «Набираларимни соғиндим, ўша ерда уч-тўрт кун туриб келаман», деб икки оёқни бир этикка тиқиб олдилар. Ўзимиз зўрға қарайммиз бу кишига, билмадим опамникидагилар вақт топишармикан қарашга. Қолаверса, тажанг почамизга кўзи ожиз одамнинг хархашалари ёқармикан?

Аёл бу гапдан «кўнглимнинг кўчаси» деб хохолаб кулди. Йигит унга қўшилди. Ўз пушти камаридан бўлган ўғлининг замзама гаплари, нотаниш аёлга эрмак қилиб қўйганига чидай олмаган ота ўрнидан турди.

— Яна нима гап? Ўтиринг жойингизга ҳали тушишимизга анча бор, — деди ўғил отани жеркиб.

— Йўқ, шу ерда тушаман, — деди ота қатъий.

Ўғил уни силталади.

— Ўтиринг деяпман, аччиқ-аразга бало борми.

— Қўлингни торт.

Ота бир силтаниб ўғилнинг қўлидан чиқди-да индамай бекатда тушиб қолди. Ўғил ва унинг суҳбатдоши аёл қарияннинг ҳаракатини бир ижирғаниб, бир жилмайиб кузатиб туришди.

— Ота безори.

— Ўғил бўлмай кет, номард.

— Ўхшатмагунча учратмас.

Чекка-чеккадан одамларнинг таънали овозлари эшитилди. Йўловчиларнинг ўтли нигоҳларига чидай олмаган ўғил суҳбатдош аёли билан хайр маъзурини насия қилди-да, навбатдаги бекатда автобусни тарк этди.

Бу воқеани кузата туриб, қулоқларим остида таниш мисралар янгради.

Отага тик боқма, иймонинг сақла,
Фарзандсан доимо бурчингни оқла.

Билиб, топиб айтилган гап. Ишқилиб фарзанд зотини отага тик боқишдан сақласин экан-да.

### ҲАММА НАРСА ВАҚТИДА ФАРЗ

Бировни кутгандан ёмони йўқ. Фараз қилинг, қишнинг қорли, ёмғирли кунларида ёки ёз жазирамасида бирон танишбилишингизни кутяпсиз. Вақт келишилган муддатдан анча ўтиб кетган бўлса-да, ундан дарак йўқ. Бетоқат қўлингиздаги соатга қарайсиз. Агар соатингиз бўлмаса, ўтган-кетгандан вақтни сўраб суриштиравериб, уларнинг жонига тегасиз. Буниси ҳам майли. Ҳарқалай йўлингиз очиқ. Измингиз ўзингизда. Хоҳласангиз кутасиз, истамасангиз «бор-е» деб қўл силтаб жўнайверасиз. Лекин бундай ҳолат Қуръону тиловат, яъни Амри маъруф ўтказиш билан боғлиқ бўлган нахорги ош пайтида содир бўлса-чи? Айтайлик, маърузага таклиф этилган қори домла кечикяпти. Йиғин қатнашчиларининг барчаси келиб улгурган, ўтирғичлар аллақачон тўлиб бўлган, ҳамма безовта, кўзлар эшикда. Ҳурматли меҳмонни зор-интизор бўлиб кутишяпти. Афсуски, ундан дарак йўқ. Туриб кетишнинг ҳам иложи йўқ. Чунки чор атрофингиз одамлар билан ўралган. Уларни безовта қилиш одобдан эмас. Инчунун, ош тортилмай туриб кетиш дастурхонга, хонадон эгаларига ҳурматсизлик.

Аросатда қолган ўртакашлар пешма-пеш сиздан фақат чой бор-йўқлигини сўрашади. Улар ҳам нима қилсин. Ўзбошимчалик билан ошни суздиролмаса, бу томонда эса худди улар айбдордек одамларнинг нигоҳидан ўзларини олиб қочишади.

Шундай ҳолат яқинда ўзимиз билан содир бўлди. Соат бирга таклиф этилган меҳмонларга орадан бир соат ўтиб ош тортилди. Сабаби, домла имом даврага кечикиб келди. Хайрият бирдан «келди-келди» бўлиб қолди. Қарасак, орқаларидан уч-тўртта гумашталарини эргаштириб, ўртани тўлдириб домла имом келяптилар.

Дарҳол микрофон ишга тушди. Домла муҳим иш юзасидан кечикканларини айтиб узр сўраган бўлдилар. Шунда ёнимиздаги ҳамроҳларимиздан бири шипшиди.

— Яна бир бошқа қуюқ жой чиқиб қолган бўлса керак-да.

Тиловат қуръон билан маъруза бошланди. Афсуски, айтилаётган ўгитлар қанчалик ибратли бўлмасин, ҳеч ким унга қулоқ солмасди. Сабаби, ҳамма нарса вақтида жоиз-да. Тоқати тоқ бўлган издиҳомнинг кўнглига шу топда маъруза сиғмасди.

## Қатралар

### ЁМОН ЙИҚИЛМАДИНГМИ?

Саҳнада ёшгина қиз «Она юраги»ни берилиб ўқияпти.

Эмишки, муҳаббати йўлида жонини тиккан йигитга севгилиси оғир шарт қўйибди: «Онангни юрагини олиб, менга келтирасан!» Йигит бу шартни бажаролмай қийналибди, турли нарсаларнинг юрагини келтириб қизга кўрсатибди, аммо бераҳм қиз ўз сўзида туриб олибди. Шунда йигит онасини ўлдирибди-ю, юрагини суғуриб олиб кўчага отилибди. Йўлда қаттиқ қоқилиб кетибди. Шу пайт қўлидаги юрак тилга кирибди: «Ўғлим, ҳеч қаеринг лат емадими?!»

Саҳнада ёшгина қиз шеър ўқияпти. Ҳамманинг кўзида ёш...

### СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Ҳовлида қиз узатиляпти. Оқ оппоқ кўйлакда, кўзлари бахтдан чарақлаган қизнинг атрофида дугоналари парвона. Бирдан ташқаридан машина қаттиқ овоз берди. Келинни олиб кетгани келишди. Ҳамманинг қуршовида уйдан чиққан қиз жовдираб онасини ахтаради. Она ўзини у ё бу юмуш билан банд қилгандек ҳовлининг бир четида мунғайиб юради. Бўғзига келиб турган йиғисини сездирмаслик учунми, лабларини қимтиб олган. Нега? Хонадонинг ҳувиллаб қолаётгани учунми? Йўқ. Ёлғиз қизи уни ташлаб ўзга ҳовлига кетаётгани учунми? Йўқ. Бевақт ҳаётдан кўз юмган отанинг бу тўйни кўролмагани учунми? Йўқ. У булар учун йиғлаб бўлган.

Қувонч ёшлари илло, ҳеч бир онани тарк этмасин!

### ЭРТАК

Болалигимда бир эртак эшитгандим. Орзу-ҳавас билан ўғил уйлантирган она кўп ўтмай келинига ёқмай қолади. У ҳар куни эрига «Онангиз жонимга тегди, кунига нимадир кавшаганй-кавшаган» дейди. Ўғил бир куни уйига келиб қараса, онаси нимадир чайнаб юрганмиш. У «Хотиним тўғри айтган экан-да», деб онасини узоқ чўлу биёбонга олиб бориб қўйиб келибди.

Йиллар ўтибди. Ўғил бир куни узоқ саҳрога йўл олибди. «Онамнинг аҳволи не кечдийкин?» дея бориб қараса, онаси ҳалиям ниманидир кавшаб ўтирганмиш «Она, оғзингиздаги нима?» деб сўрабди ўғил ниҳоят. Она оғзидагини олиб кўрсатибди. У кичкина, тешилиб қолган данак экан. Бир вақтлари бераҳм келин қайнонага овқат бермай қўйганида, у ҳовлида бир туршакни топиб олиб оғзига солган, шуни ҳамон шимиб юрган экан.

Йигит қилган ишидан пушаймон бўлиб, онасини уйига олиб келган экан.

**Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади.**



**Болалар кулгуси оламни тутсин**

# МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РАВНАҚИ УЧУН

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Германиянинг Фрайбург университети билан ҳамкорликда "Маданиятлараро мулоқотнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Германия, Қирғизистон, Швейцариядаги олий ўқув юртлари олимлари иштирок этишди.**

Ўтган йил декабрь ойида бир гуруҳ ўзбекистонлик олимлар Германияда сафарда бўлиб қайтишганди. Олимларимиз Фрайбург университетида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларига замин яратишди. Беш кун давом этадиган илмий-амалий анжуман Германияда асос солинган ҳамкорликнинг илк маҳсулидир.

— Икки мамлакат маданиятлараро мулоқотининг барча муаммоларини муҳокама қилиш, бу мулоқотни юқори савияга кўтариш масалаларини ўрганиш мазкур анжуманнинг асосий вазифасидир, — деди германиялик профессор Карл Рейчл "Туркистон-пресс" мухбирига. — Мен ўтган йили "Алпомиш" достонини немис тилига таржима қилишга муваффақ бўлдим. Алпомиш жасорат достонидир. Бизнинг адабиётимизда ҳам ўрта асрларда шундай достонлар бўлган. Аммо, ҳозир бахшилар Германияда йўқ. Шунинг учун бизга эпос ва достонларни ўрганиш муҳим.

Анжуман иштирокчилари маданиятлараро мулоқот, умумий масалаклар, маданиятлараро мулоқот ва маънавият сингари гуруҳларга бўлиниб иш кўришади. Шунингдек, анжуман доирасида Низомий номидаги педагогика университети ва Германиянинг Фрайбург университети ўртасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш режалаштирилган.

**"Туркистон-пресс"**

• АНЖУМАНЛАР

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАР ДОИМ ҲАҚ ... МИ?

**Сиз дўкондан оддий ручка сотиб олдингизми, демак ўз - ўзидан истеъмолчига айланасиз. Ручканинг сифатига эса, албатта сотувчи жавобгардир. Ҳар бир киши кун давомида истеъмолчига айланади. Чунки ҳар кунги эҳтиёж учун чўнтакдан тўланган ҳақ уни истеъмолчига айлантиради, шунингдек, маҳсулот сифати ҳам назардан четда қолмайди. Сифат ва кафолат сотувчи томонидан харидорга маҳсулот билан бирга бериладиган чек ва квитанцияларда ўз кучига эга бўлади. Ҳозирда ана шундай чек ва квитанциялар, яъни кафолат қоғозлари истеъмолчи ёки харидор қўлига тегаяптими, истеъмолчи ўз ҳақ - ҳуқуқларини қай даражада билади? Харид қилинган ёки кун давомида фойдаланилаётган кундалик эҳтиёжлар кишини қониқтираяптими? Акмал Икромов туманида бўлиб ўтган «Ҳуқуқини яхши биладиган истеъмолчи ҳар доим ҳақ» мавзусидаги анжуманда ана шу саволларга атрофлича жавоблар изланди.**

Анжуманда Республика Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси раиси Зуҳра Сайдалиева,Тошкент шаҳар Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациясининг раиси Искандар Холмирзаевлар сўзга чиқиб, истеъмолчи ким, унинг ҳақ-ҳуқуқлари қандай, бугунги кунда неча фоиз истеъмолчи ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши, «Истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳақида туман фуқароларига атрофлича тушунтиришиб, ўз фикр-мулоҳазаларини аниқ мисоллар билан кўрсатиб бердилар.

Шунингдек, анжуманда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилишди.

Савол-жавоблар асносида шу нарса маълум бўлдики, ҳалигача кўпчилик ўз истеъмолчи ҳуқуқларини, бу тўғридаги Қонуннинг моҳиятини тўлалигича англаб етмаган. Бунинг эса, албатта айрим фирибгар кимсалар учун қўл келиши табиийдир.

Айтайлик, сиз яқинда бозордан қизингиз ёки ўғлингиз учун кийим сотиб олдингиз, ўша пайтда маҳсулот сифати учун жавобгарлик қоғози, чек ёки квитанцияни сўраб кўрдингизми? Ёки бу сизни қизиқтирмайдими? Агар ўша сотиб олган кийимингизда айрим нуқсонлар бўлиб, фарзандингиз уни кийишни истамасачи, унда ҳам чек ва квитанциялар сизни қизиқтирмайдими? Ёки сўраган бўлсангиз ҳам бундай қоғозлар қўлингизга тегмадими? Демак, у ҳолда маҳсулот ё сифатсиз ёки бўлмаса... мутлақо яроқсиз. Биз ўйлаймизки, ҳурматли истеъмолчи, сиз албатта ўз ҳуқуқларингизни яхши билишга интиласиз. Мана шундай анжуманлар эса истеъмолчиларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини билдиришда катта аҳамият касб этади. Негаки, фуқаролари ўз ҳуқуқларини яхши билган ва ўзгаларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган жамият эса чин маънодаги ҳуқуқий давлат бўла олади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**6 октябрь—12 октябрь**



**Қўй (21 март-20 апрель)** — Ушбу ҳафта арзимас майда-чуйдаларга эътибор қилаверманг. Соғлиғингизга ва иш унумингизга салбий таъсир этиши мумкин. Ҳафта охирида мўлжаллаган ишларингиз бироз кейинга сурилади. Кайфиятингизни кўтаришга ҳаракат қилинг.



**Бузоқ (21 апрель-20 май)** — Бу ҳафта бошқа кунларга нисбатан саргузаштларга бой бўлиши эҳтимол. Иш жойингизда эпчиллигингиз барча ишларингизни вақтидан илгари бажаришингизга сабаб бўлади. Раҳбарлар томонидан яхши мақтовлар эшитасиз.



**Эгизаклар (21 май-21 июнь)** — Ўқувчилар учун ушбу ҳафта унча ҳавас қиладиган даражада эмас. Ҳафсаласизлик, кувватсизлик ўқишга бўлган қизиқишингизнинг пасайишига олиб келади. Яхшиси соғлиғингизга эътибор қаратинг.



**Қисқичбақа (22 июнь-22 июль)** — Ҳафта бошидан кутилмаган хабар ва янгиликлар ўйлаб қўйган режаларингизни ўзгартириб юборади. Эътиборингизни кўпроқ яқинларингизга қаратасиз. Дам олиш кунлари улар билан бирга бўласиз,.



**Арслон (23 июль-23 август)** — Илгари унутиб қолдирган ишларингиз ёдингизга тушади. Аммо уларни бажаришнинг фойдаси йўқ. Ҳозир эса бошқа муаммоларингиз ҳақида ўйланг. Ҳафта охирлари омад сизга кулиб боқади.



**Паризод (24 август-23 сентябрь)** — Ҳар бир ишда шошма-шошарлик қилишингиз, бекорга асабийлашавермаслигингиз керак. Ўзингизни қўлга олиб, ўйлаб иш юритинг. Яқин кунларда катта ва мўмай даромаддан хурсанд бўласиз.



**Тарозу (24 сентябр-23 октябрь)** — Ушбу ҳафта сиз ўйлагандек ишларингиз маромида кетиши қийин. Айрим тўсиқларга учрашингиз мумкин. Сира хафа бўлманг, ҳазил-мутойибалар билан уни енгишга уринингДам олиш кунлари оилангиз даврасида бўлинг.



**Чаён (24 октябрь-22 ноябрь)** — Бу ҳафта таваккалчилик яхши натижа бермайди, зарар келтиради. Ўзингиз ўрганган йўлдан юрсангиз,ҳамма ишларингиз аввалгидек ўз ўрнига тушиб кетади. Жисмоний ва руҳий ҳолатингиз кўнгилдагидек бўлади.



**Ўқотар (23 ноябрь-21 декабрь)** —Ушбу ҳафта вақтдан унумли фойдаланишга тўғри келади. Акс ҳолда бошлаган ишларингизни якунлашга қийналасиз. Бўлар-бўлмас ишларга вақтингизни сарфламанг. Шахсий ҳаётингизда ва ишдаги муаммоларингизни бир-бирига боғлашингиз нотўғри.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь-20 январь)** — Ҳафта сиз учун ниҳоятда хушхабарларга бой бўлади. Кўпдан кутган одамингиз билан учрашасиз. Яқинларингиз сизга анча-мунча илтифот кўрсатишади. Ишларингиз яхши томонга юришиб кетади.



**Қовға (21 январь-19 февраль)** — Ортиқча сарф-харажатлар туфайли молиявий аҳволингиз бироз сусташади. Бу муаммони ўзингиз ўйлаб ҳал қилинг.Фақат қарз ола кўрманг. Сабр қилинг.Ҳаммаси жойига тушади.



**Балиқ (20 февраль-20 март)** — Хизмат юзасидан сафарга боришингиз эҳтимол. Шунингдек бажараётган ишларингиздан яхшигина даромад олишингиз кутилмоқда. Ҳамкасбларингиз атрофингизда парвона. Бироқ рақибларингиз ҳам йўқ эмас. Кўнглингизни ҳар кимга очишдан эҳтиёт бўлинг.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !**
**Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.**

## БИРЖА САВДОЛАРИГА УЗОҚ МУДДАТ ДАВОМИДА ҚЎЙИЛИБ СОТИЛМАЙ КЕЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ НАРХЛАРИ ПАСАЙТИРИЛИБ, ҚАЙТАДАН САВДОЛАРГА ҚЎЙИЛМОҚДА

| Т-р | Объект номи | Объект манзили | Техник характеристикаси | Бошлангич нархи, сўм |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бино қисми | А.Икромов тумани, 24-мавзе, 55-уй | 147,0 кв.м. | 3 622 820 |
| 2. | Бино қисми | М.Улуғбек тумани, «Ҳумоюн» даҳаси, 3а-уй. | 481 кв.м. | 9 791 800 |
| 3. | Бино қисми | М.Улуғбек тумани, Қорасув 2-мавзе, 23-уй. | 1 761 кв.м. | 32 520 663 |
| 4. | Бино қисми | Миробод тумани, «Қуйлиқ» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй | 53 кв.м. | 909 820 |
| 5. | Бино қисми | Миробод тумани, «Қуйлиқ» даҳаси, 2-мавзе, 32-уй | 50 кв.м. | 858 332 |
| 6. | Бино қисми | Миробод тумани, Норхўжаев кўчаси, 27-уй | 283 кв.м. | 5 731 080 |
| 7. | Бино қисми | Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 18-1-уй | 38 кв.м. | 626 250 |
| 8. | Бино қисми | Сергели тумани «Спутник» даҳаси, 5-мавзе, 21-уй | 74 кв.м. | 887 270 |
| 9. | Бино қисми | Сергели тумани «Спутник» даҳаси, 9-мавзе, 61-уй | 461 кв.м. | 5 055 515 |
| 10. | Бино қисми | Сергели тумани «Спутник» даҳаси, 9-мавзе, 68-уй | 86 кв.м. | 1 320 552 |
| 11. | Бино қисми | Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе, 7а-уй. | 61.19 кв.м. | 1 495 447 |
| 12. | Бино қисми | Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 1-уй | 560 кв.м. | 12 339 842 |
| 13. | Бино қисми | Яккасарой тумани, Абдуллаев кўчаси, 5-уй | 48 кв.м. | 739 367 |
| **Шунингдек, савдоларга «Нур мажмуаси» ва қуйидаги қурилиши тугалланмаган объектлар ҳам қўйилмоқда** | | | | |
| 14. | "Нур" мажмуаси | М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй | 1 642.0 кв.м. | 750 000 000 |
| 15. | Қурилиши тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари | Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси. | 3 000.0 кв.м. | 250 000 000 |
| 16. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "А" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 6583.6 кв.м. | 45 000 000 |
| 17. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "G" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 6623.0 кв.м. | 60 000 000 |
| 18. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "H" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 4109.0 кв.м. | 145 000 000 |
| 19. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "K" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 6568.9 кв.м. | 130 000 000 |
| 20. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "D" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 4203.6 кв.м. | 425 000 000 |
| 21. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "E" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 6419.3 кв.м. | 150 000 000 |
| 22. | Қурилиши тугалланмаган бинонинг "F" блоки | Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси. | 6104.5 кв.м. | 20 000 000 |

Шунингдек, савдоларда «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шохобчасидаги, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ ҳудудларида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.

**Биржа савдолари ҳафтанинг хар иш кунида «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3202-сонли Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосан ҳамда хўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2003 йилнинг 26 майида 1243-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор билан корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларига барҳам беришда доимий мониторинг ўрнатиш тартиби белгиланган.

Мониторингни киритиш хўжалик жамиятлари таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳолларини аниқлашга, улар бўйича тегишли чоралар кўришга, шу каби аралашиш ҳолларини бартараф қилишга қаратилган тизимни ташкил этишга имкон беради.

Мазкур мониторингни амалга ошириш мақсадида, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан корхоналарга сўровномалар тарқатиш йўли билан ўрганиш ўтказилмоқда, «Ишонч телефон»лари ўрнатилган.

Сўров жараёнида ва ишонч телефонлари орқали олинган маълумотлар сир тутилади ва юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

**Корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига аралашиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасидаги 133-67-90, 133-23-52 рақамли «Ишонч телефон»лари орқали бериш мумкин.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Нажмиддин Зухритдинов номига берилган № 033070 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т: 22-98-05

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазирлигига қарашли Тошкент ҳуқуқшунослик, ижтимоий таъминот техникуми томонидан 2000 йили Кўчқоров Улуғбек Боймуродович номига берилган № 455962 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«Тошкент оқшоми»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204хона.**

